



141100, Нурабад шаҳри, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurabod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurabod@samarkand.uz

2017 йил 25 июль

№ 442/У

Нурабад туманидаги "Сахоба" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи "261-сонли милиция таянч пункти" профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ЖК-2906 сонли "Ички ишлар органлари профилактика инспекторларини хизмат уй-жойлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни тўдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссияси аъзоларининг даъволатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссия аъзоларининг "Сахоба" маҳалласи ҳудудидан "261-сонли милиция таянч пункти" профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобида бўлган яйлов ер майдонидан 200.0 кв.м. ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги даъволатномаси тасдиқлансин ва ер майдони ажратиб берилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га "Сахоба" маҳалласи ҳудудидан "261-сонли милиция таянч пункти" профилактика инспекторини уй-жойнинг ер майдонини натура тарзида ўлчаб берилиши, қурилиш учун АРТ-1-2 ҳужжатлари ҳамда шаҳарсозлик талаблари асосида лойиҳа ҳужжатлари ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши бўйича доимий мониторинг ўрнатиш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (Ф.Эргашев) зиммасига ажратиладиган ер майдонининг ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ер ҳисоботида белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

Туман ҳокими



Ф. Заиров